


Зўравонга нисбатан суд ҳукми ўқилди

Зўравонга нисбатан суд ҳукми ўқилди



Рустамов Алишер (исми шарифи ўзгатирилган) 2022 йил 4 октябрь куни Музработ тумани ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспекторлари туманнинг фуқаро Ғ.Алимардонов ўзига тегишли бўлган “Тико” русумли автомашинасини, Рустамов Алишер тегиб, пачоқ қилаётгани ҳамда қўли билан уриб синдираётганлиги ҳақидаги мурожаати юзасидан Музработ тумани Давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносига борган вақтида, Рустамов Алишер уларнинг қонуний талабларини бажармасдан, қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатиб, уларнинг хизмат вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилиб, туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспекторининг танасини турли жойларига қўлларининг мушти билан қасддан уриб тан жароҳати етказиб, унинг хизмат кийимларини йиртиб шикаст етказган.

Жиноят ишлари буйича Музработ туман суди томонидан Рустамов Алишерни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми

кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб озоқдликни чеклаш жазоси тайинланди.

Жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг Девонхона мудири:
С.Чориев